



140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel: (0-366) 629-15-10, faks (0-366) 629-11-54

140704, 2. Иштыхан ул. Иштыханская д.4,
Тел: (0-366) 629-15-10, факс (0-366) 629-11-54

20/18.г «А» марти

№ 643-к

Ishtixon sh.-г.Иштыхан

Тумандаги “Сохибкор” МФЙ худудидаги
“Тўла” кишлоғи худудида яшовчи фуқаро
Қаршиев Олимжонга “Болалар боғчаси”
қуриш учун ер майдони ажаратиш
тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор мажлиси баёнининг ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хужалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Иштихон тумани “Сохибкор” МФЙ худудидаги “Тўла” кишлоғи худудида яшовчи фуқаро Қаршиев Олимжоннинг “Сохибкор” МФЙ худудидаги “Тўла” кишлоғи худудида жойлашган туман ҳокимлиги захира фонди ҳисобида бўлган 0.20 гектар ер майдонида “Болалар боғчаси” қуриш учун ер майдони ажратиб беришини сўраб ёзган аризини, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномасини кўриб чиқиб Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”ни 36-моддасига асосан:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор мажлиси баёнин маълумот учун қабул қилинсин. Туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масаларини кўриб чиқувчи комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Қаршиев Олимжонга “Сохибкор” МФЙ худудидаги “Тўла” кишлоғи худудида жойлашган туман ҳокимлиги захира фонди ҳисобида бўлган ер майдонида 100 (юз) ўринли “Болалар боғчаси” биносини қуриш учун 0.20 га ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. Фуқаро Қаршиев Олимжонга ажратилган ер майдони бўйича белгиланган тартибда вилоят экология экспиртизасидан экологик хулоса олиш, лойиҳа олди ва лойиҳа хужжатларини тайёрлатиш ҳамда тегишли ташкилотларнинг рухсати олингандан сўнг қурилиш ва ободонлаштириш ишларини бошлаш вазифаси юклатилсин.
4. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи (М.Примов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги хужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га “Болалар боғчаси” бино иншоотлари қурилишни лойиҳа асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
5. Самарқанд вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат қорхонаси Иштихон тумани филиали бошлиғи (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Исламов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Э.Меджидов Ш.Негматов